

**Давлат тиббий суғурта жамғармасининг 11.03.2025 йилдаги  
18-сон буйруғи ижроси юзасидан ДТСЖ Навоий вилоят худудий  
бўлинмасининг хафталик ҳисоботи  
(24-28 март)**

**I. Тиббий ёрдам ва мониторинг:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон қарорига мувофиқ, вилоят Кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Офталмология шифохоналарида имтиёзли беморларни қабул қилиш ва чиқариш ишлари бўйича ҳисоботлар умумлаштирилди ва ДТСЖга тақдим этилди.

Шунингдек, вилоят Кўп тармоқли тиббиёт марказида даволанган беморлар сони 1 нафар, вилоят офталмология шифохонасида даволанган беморларни 7 нафар билан сўровномалар ўтказилди.

вилоят Кўп тармоқли тиббиёт марказида 2 нафар, вилоят офталмология шифохонасида эса 2 нафар даволаниб чиққан имтиёзли тоифага қирувчи шахсларга кўрсатилган тиббий хизматлар бўйича далолатнома ва ҳисоботлар шакиллантирилиб MED REFER ахборот дастури орқали маркази аппаратга тақдим этилди.

2. Бўлинмага "ijro.gov.uz" ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими орқали келиб тушган 1 та ҳужжатни белгиланган муддатда ижроси таъминланиб "ijro.gov.uz" электрон тизими орқали келишиш учун киритилди.

Шунингдек, бўлинмага вилоятимиздаги тиббиёт муассасалардан келиб тушган 2 та ҳужжат белгиланган тартибда расмийлаштирилди ва масъул ижрочиларга етказилиб, кўрсатилган муддатларда ижроси таъминланиши назорат остига олинди.

3. ДТСЖнинг 2025 йил 17 мартдаги 29-к-сонли буйруғига асосан 25 март куни, марказий аппаратни раҳбариятидан иборат тузилган ишчи гуруҳ томонидан "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги "Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-311-сон қарорига мувофиқ Навоий вилоятида тиббий суғуртаси механизмларининг жорий этилишида кузатилаётган муаммо ва камчиликлар тўғрисида"ги семинар йиғилишида иштирок этилди.

Шунингдек, ўтказилган семинар йиғилиши баёни лойҳаси тайёрланди ва тасдиқлаш учун маркази аппаратга тақдим этилди.

4. Маркази аппаратни оғзаки сўравномасига асосан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида қарашли вилоят даволаш-профилактика муассасаларини қойқалари бўйича маълумотлар умумлаштирилди ва тақдим этилди.

5. Нурота туман 15-сон ОП (Чуя) да электр энергияси йўқлиги бўйича телеграмм каналига берилган ҳолат бўйича, бўлинма ходимлари томонидан жойга чиқиб ўрганилди, ҳақиқатдан ҳам поликлиникада 1 ҳафтадан буён электр энергияси йўқлиги маълум бўлди. Сабаби, Нурота туман тиббиёт бирлашмаси томонидан Молия бошқармасига ҳисоботлар ўз вақтида топширилмаганлиги натижасида газна ҳисобварақлари ёпиб қўйилган. Юқоридаги камчиликлар тўлиқ бартараф этилиб, соат 12:00 да ОП электр энергияси билан таъминланди.

6. ДТСЖси томонидан 2025 йил 10 январда "Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида тиббий

фаолият мониторингини ўтказиш бўйича 2025 йил Январь-июнь ойлари учун” тасдиқланган режага асосан ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 23 январдаги 17-сонли буйруғининг 10, 11, 12, 13, 14, 16, 17 - иловалари билан тасдиқланган шакиллар тўлдирилиш бўйича Кармана ТТБга қарашли "Маликробод" ОШПда, Нурота ва Навбоҳор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли бўлим ҳамда КТМПларда жами 3 та мониторинг ўтказилди.

7. Жорий йилнинг 24 март куни соат 16:00да, Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи томонидан ZOOM платформаси орқали ташкил этилган навбатдаги йиғилишда бўлинма бошлиғи ва молиячи ходимлари ўз маърузаси билан иштирок этди.

Худди шундай йиғилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада соғлиқни сақлаш тизими ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси бўйича 2025 йил 25 март куни соат 09:00 да “ZOOM” платформаси орқали ташкил этилган йиғилишда иштирок этилди.

жорий йилнинг 27 март куни соат 17:00да, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ижро этувчи директори ўринбосари томонидан ZOOM платформаси орқали ташкил этилган навбатдаги ЎЗРҚ-1041-сон "Донорлик ҳаракатини қўллаб қувватлаш тизимини такомиллаштириш қонунига қўшимчалар тўғрисида"ги йиғилишида тўлиқ жамо билан иштирок этилди.

жорий йилнинг 28 март куни соат 15:00да, Соғлиқни сақлаш вазири раҳбарлигида ZOOM платформаси орқали ташкил этилган навбатдаги йиғилишида иштирок этилди.

## **II. Молиявий-иқтисодий жараёнлар:**

1. Бўлинма мутахассислар вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармасига борилди ва соҳа мутахассислари билан биргаликда 2025 йил феврал ойи учун 5 ва 15 % маблағларни ажратилиши муҳокама этилди ҳамда 19,4 млрд сўм маблағларни ажратиш масаласи ҳал этилиди. 24 март куни соат 16:30 да 19,4 млрд сўм молиялаштиришга эришилди.

Шунингдек, вилоятдаги “Аҳоли жон бошига” усулида 153 та, “Глобал бюджет” усулида 18 та, “Глобал бюджет ва ҳар бир даволанган ҳолат” усулида 18 та тиббиёт муассасаларни 5 ва 15 % маблағлари молиялаштирилди.

2. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, бўлинма бошлиғи ва мутахассислари билан биргаликда вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармасига борилди ва соҳа мутахассислари билан биргаликда 2025 йил март ойи иш ҳақи учун 30,0 млрд сўм маблағларни ажратиш масаласи ҳал этилиди.

3. Давлат тиббий суғурта жамғармаси ва Нурота туман тиббиёт бирлашмаси ўртасидаги 2025 йил 3 январдаги 9/2025 –А – сонли шартномага асосан, 2025 йил январ, феврал ойлари учун режадаги маблағлар тўлиқ ва март ойи учун шартномага асосан 95 фоиз олдиндан тўловлар молиялаштирига маблағларни мақсадли иштатилиши ўрганилди.

Худди шундай мониторинг, 2025 йил 28 март куни Навбоҳор туманида ҳам ўтказилди.

4. Жамғарма билан шартнома тузган 8 та тиббиёт муассасасининг 2025 йил учун мўлжалланган бизнес режаси қайта кўриб чикилиб, имзолаш учун тайёрланди.

Шунингдек, тўлов топшириқномалари проводкалари Uz ASBO-2 дастурига 510 таси киритилди.

### **III. Техник таъминлаш ва реимбурсация:**

1. Навоий вилояти ҳудуди бўйича дорихоналар билан қилинган янги шартномалар барча жадвалларга қўшилди ва сўралган шаклда шакллантирилган жадвал маркази аппаратни Реимбурсация бўлимига тақдим қилинди.

2. Зарафшон шаҳар “Telmon Med Pharm Zar” МЧЖ дорихонаси билан видеоучрашув орқали реимбурсация дастури доирасидаги рецепт билан боғлиқ тушунмовчилик ҳал қилинди.

3. Янги қўшилган дорихоналарга ДМЕД дастури ўрнатилиши ҳолати бўйича вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг АКТ мутахасиси билан келишилди.

Шунингдек, Кармана туман “Маликробод” ОШПда, Нурота ва Навбоҳор туман КТМПларда, Навоий шаҳар 3-сон ОПни оила шифокорлари билан Реимбурсация дастури доирасида илк бор рецепти ёзиш кўникмаси амалий бажарилди.

4. “Д” назоратида бўлган беморлар Реимбурсация дастури доирасидаги дориларини электрон рецепт орқали дорихонадан олиши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, 3 та хусусий дорихоналар билан шартнома тузишга эришилди.

### **IV.Ташкилий ишлар:**

1. Телеграмда махсус гуруҳлар очилди (t.me/DTSJMUASSASA, t.me/DTSJN), видеоўриқномалар жойлаштирилди.

2. Рецептларни шакллантириш ва дорихоналарда амалга ошириш жараёнидаги муаммолар телефон орқали, онлайн ёки манзилли ҳал этилмоқда.

3. Навоий вилояти бўйича Реимбурсация дастури йўлга қўйилди. Дорихоналар ва АПМларнинг тайёрлик ҳолати ўрганилиб, аниқланган камчиликлар жойида бартараф этилди.

4. Бўлинма биносини ички томонидаги жами 19 м2 жой замонавий кафелга алмаштирилди.

**Навоий вилоят ҳудудий  
бўлинмаси**

**О.Норкулов**

“ 28” март 2025 йил